

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

Бош Қомусимиз ва
иқтисодий ислоҳотлар



2-бетда
ЎҚИНГ ↓

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 14 июнь
сешанба
№ 22 (1330)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

✓ Энг сўнги хабарлар
✓ Ҳуқуқий маълумотлар
✓ Таҳлилий мақолалар
✓ Мурожаатга жавоблар



Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири



Лайлақлар “ЛАЙК”
ташлашмоқдами?

4-бетда
ЎҚИНГ

Ёхуд “ЛАЙКИСТОН” ҳақида памфлет

ОБУНА — 2022

“Инсон ва қонун”га (кейинги 6 ойга) обуна бўлинг. Обуна почта ва матбуот тарқатувчи идоралари ҳамда “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази шартномалари орқали тўғридан-тўғри амалга оширилади. Бу жараёнда ҳар бир адлия ходимининг ўзи шахсий намуна кўрсатади, деб умид қиламиз.

Обуна учун масъул бўлим: (97) 430-19-69
(90) 176-54-42



Шу сонда:

- ✓ 1,2 МИЛЛИАРД СЎМ тадбиркор фойдасига ундирилди
- ✓ Тиббиёт ходимига устама, тадбиркорга компенсация...
- ✓ Талабаларнинг стипендияси “унутилганми”ди?
- ✓ Шартнома шартини бажармаган компания судга “тортилди”
- ✓ Иш ҳақидан норози Ахматқулова, қизига махсус аравача сўраган Ёқубжонова...

“Telegram”даги “ТАКЛИФ”лар
ёхуд “УЙ ТОЗАЛОВЧИ
ХИЗМАТЧИ”нинг

ниқоби ечилди



Ақром АРИПОВ,
Олий суд бош консультанти

6-бетда
ЎҚИНГ



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

Бош Қомусимиз ва иқтисодий ислохотлар

БУГУН Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича бошланган ҳаракатлар аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Хўш, бугун Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар ва ислохотлар Конституцияга ўзгартириш киритишни талаб этадими? Умуман, Конституцияга ўзгартириш киритишга мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан тайёрми?



Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Сўнги 5 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида кенг қўллади ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди. Булар қаторида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва уларга имтиёз, преференциялар бериш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, солиқ ва банк-молия тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотларни ҳам келтириш мумкин.

2019 йил 25 декабрда инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи 3 та қонун бирлаштирилиб, тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг **“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари кучайтирилди ҳамда юртимиздаги инвестицион муҳит янада яхшиланди.

2019 йил 3 августда Президентимизнинг **“Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатларини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармойиши қабул қилинди. Унга асосан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича янгича тизим яратилди ва бу орқали уларнинг мулк ҳуқуқи кафолатлари янада кучайтирилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ тизими тубдан такомиллаштирилди ва солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқартирилди. Солиқ органлари назорат қилувчи орган эмас, балки солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатувчи органга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”**ги Қонуни асосида Ўзбекистон иқтисодиётида янги йўналиш жорий этилиб, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги **“Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони асосан валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, жисмо-

ний шахслар чет эл валютасини тижорат банклари орқали эркин сотиш ва сотиб олиш ҳамда сотиб олинган маблағларни ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар, иш ва хизматлар учун тўловлар фақат миллий валютада амалга ошириладиган бўлди.

Юқорида санаб ўтилган ислохотлар бевосита жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши натижасида амалга оширилди. Давлатнинг Асосий қонуни ҳисобланган Конституция ушбу ўзгаришларга ўз таъсирини кўрсатиши ва замонга мослашиб бориши лозим.

Жаҳон конституциялари

XXI асрда Конституцияга ўзгартириш киритиш масаласига дунё давлатларида нормал ҳолат сифатида қаралмоқда. Кўпда давлатлар жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг ривожланишидан келиб чиқиб, ўз конституцияларида тегишли ўзгартиришлар киритмоқда.

Дунё давлатларида бу борада қандай ислохот жараёнлари кечмоқда? Статистик маълумотларга кўра, охириги 22 йил давомида 57 та давлатда янги конституция қабул қилинган. 90 га яқин давлатда конституциявий ўзгаришлар амалга оширилган. Шу даврда Швейцария конституциясига 19 марта, Австрия конституциясига 18 марта, Исроил конституциясига 17 марта ва ҳажми жиҳатдан дунёда энг катта конституция ҳисобланган Ҳиндистон конституциясига 15 марта ўзгартириш киритилган.

Жамият ҳаётида содир бўлаётган жиддий ўзгаришлар ва ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини мамлакат Конституциясида акс эттириш ушбу ислохотларнинг натижадорлигини янада кучайтиради, албатта.

2021 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг **“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилинди. Жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини хусусийлаштириш ва ердан бозор муносабатларининг объекти сифатида эркин фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон шароитида иқтисодий муносабатлардаги ўта муҳим ислохот бўлиб, уни мамлакат Конститу-

циясида мустақамлаб қўйишга ҳеч қандай тўсик мавжуд эмас. Аксинча, ер участкаларини фуқароларга хусусий мулк қилиб берилиши тўғрисидаги норманинг Асосий қонунда мустақамлаб қўйилиши фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончи ортишига ва давлат томонидан фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилишига олиб келади.

Бу каби нормаларни хорижий давлатлар Конституциясида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Греция, Италия ва Руминия каби давлатларнинг конституцияларида ер фуқароларга хусусий мулк сифатида берилиши мумкинлиги тўғрисида нормалар мавжуд.

Қонунчиликка таклиф

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳамда хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (55-модданинг 2-қисми сифатида) **“Фуқаролар ва юридик шахслар ерга хусусий мулк сифатида эгаллик қилиши мумкин”** деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги 5 йилликда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу борада бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу орган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурида 2019 йилда Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (ҳозирда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги) ташкил этилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг кенг табақаларини тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш унинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

2021 йил август ойида тадбиркорлар билан Президентимизнинг тўғридан-тўғри очиқ мулоқоти ўтказилди. Бу эса, тадбиркорларга ўз фаолиятида юзага келаётган ва уларни қийнаётган тизимли муаммолар юзасидан бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш имконини берди.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг зиммасига маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси юклатилди.

Тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган бу муҳим ислохотлар ҳам у ёки бу тарзда давлат Конституциясига ўзгартириш киритишни талаб этади.

Стратегик ўзгаришлар йўлида

2022 йил 28 январда Президентимизнинг **“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан келгуси 5 йилда жамият ҳаётининг бошқа жабҳалари каби иқтисодий соҳада муҳим ислохотларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Ушбу Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳам келгусида Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжини вужудга келтириши мумкин.

Тараққиёт стратегиясида яқин келажакда давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири сифатида келгуси 5 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш белгиланган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш, давлатдан инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришни ҳамда уларга зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни талаб этади, албатта. Мухтасар қилиб айтганда, шундан кейингина инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб этиш мумкин бўлади.

Инвестицияларни жалб этиш ҳар бир давлатнинг иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Чунки хорижий инвестициялар ушбу давлатнинг иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради. Муҳими, бу жараён инвестиция киритган давлатларнинг иқтисодиёт соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Айнан ушбу давлатлар билан экспорт-импорт муносабатларини ривожлантириш ва дунё давлатлари билан интеграциялашиш учун шароит яратади.

Шу нуқтаи назардан, инвесторлар ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши билан боғлиқ нормани мамлакат Конституциясида акс эттириш мақсадга мувофиқ. Бу келгусида давлатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қиладди.

Бу каби нормалар Туркия, Болгария ва Филиппин каби хорижий давлатларнинг конституцияларида назарда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда жамиятнинг иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар Конституцияга ўзгартиришлар киритишни ҳамда Конституциянинг ушбу ўзгаришларга мослашиб боришини талаб этади.

Жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ва ислохотларни инобатга олган ҳолда аҳолининг барча қатлами Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича ўз таклифлари билан ушбу муҳим жараёнда иштирок этиши керак. Ҳар бир фуқаро бу орқали ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан фаол фойдаланиши лозим.

Назарали НОРБАЕВ,
Қаҳқор ЖУМАЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти
масъул ходимлари



НАМАНГАН

Тиббиёт ходимига УСТАМА, тадбиркорга КОМПЕНСАЦИЯ...

НАМАНГАН туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган коронавирусга қарши курашиш бўйича мобил бригадага жалб қилинган фуқаро С.Т.га 2020 йил октябрь ойдан буён тиббиёт ходимларига тўланиши керак бўлган 6 фоизлик кунлик устама тўланмаган. Бундан ташқари, фуқаро “Янги йил”, “Наврўз”, “Хайит байрам”ларида мукофот пули олмагани, дам олиш кунларисиз ишлагани, лекин қўшимча пул маблағи тўланмаганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Ўрганиш жараёнида туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг буйруғи билан мурожаат муаллифи ҳақиқатан ҳам тумандаги мобил бригадага жалб қилинганлиги, лекин моддий рағбатлантириш тўлови ҳамда байрам кунлари учун икки ҳисса ҳақ тўланмаганлиги аниқланди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг қарорига асосан фуқарога 12 миллион сўм

моддий рағбатлантириш тўлови ундириб берилди.

Шунингдек, Наманган тумани “Катта тошбулоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро С.Бозоровага тегишли бўлган “Наврўз” мажмуаси ёнида жойлашган савдо дўкони бузиб ташланганлиги, бироқ бузилган савдо дўкони учун компенсация тўланмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ҳам туман адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, туман ҳокимининг фармойишига биноан туманни “Обод марказ”га айланттириш бош режасига асосан ободонлаштириш ишлари кўзда тутилган бўлиб, С.Бозоровага тегишли бўлган майдонни бузиш орқали ҳудудни кенгайтириш режалаштирилган. Туман ҳокимлиги томонидан С.Бозоровага тегишли бўлган бино-иншоотга нисбатан тўлов миқдори ва тури белгиланмаган. Фуқарога бино-иншоотни баҳолатиш имкони ҳам берилмаган, лекин С.Бозорова бинони 55 миллион 155 минг 217 сўмга баҳолатган.

Туман адлия бўлими томонидан С.Бозоровага тегишли савдо дўкони бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини туман ҳокимлигига юклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорига асосан унга 55 миллиондан зиёд маблағ ундириб берилди.

Улуғбек ЖАББОРОВ,
Наманган туман
адлия бўлими бошлиғи



1,2 МИЛЛИАРД СЎМ тадбиркор фойдасига ундирилди

ЧУСТ туманидаги “Do'zanda qurilish ta'mir” хусусий корхонаси раҳбарининг туман ҳокимлиги, халқ таълими, мактабгача таълим бўлими ва ҳамда 42-сонли мактаб-интернатидан ўз ҳақини ундиришни сўраб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, хусусий корхона 2021 йил декабрь ойида ҳамда 2022 йил февралда имзоланган пудрат шартномаларига мувофиқ, туман ҳокимлиги ва ички ишлар бўлимида 201 миллион 137 минг сўмлик, тумандаги умумтаълим мактабларида 705 миллион 751 минг сўмлик, 42-сонли мактаб-интернатда 331 миллион 126 минг сўмлик, 56 ва 30-сонли мактабгача таълим ташкилотларида 305 миллион 288 минг сўмлик жами 1 миллиард 245 миллион 302 минг сўмлик таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини бажарган. Бу эса томонлар ўртасида имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактуралар билан ўз тасдиғини топган. Аммо юқоридаги ташкилот ва му-

ассасалар тадбиркорнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бермаган.

Ваҳоланки, барча пудрат шартномаларининг 3.3-бандида бажарилган ишлар юзасидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб амалга оширилиши белгиланган. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 236-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида ҳам шартномавий мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши қайд этилган.

Бинобарин, туман адлия бўлими томонидан хусусий корхона манфаатини кўзлаб, Чуст туманлараро иқтисодий судига аризалар киритилди. Натижада тилга олинган қарздорлардан тадбиркор фойдасига 1 миллиард 245 миллион 302 минг сўм ундириш юзасидан суд буйруқлари чиқарилди.

Азамат ЖЎРАЕВ,
Чуст туман адлия
бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ



Шартнома шартини бажармаган компания СУДГА "ТОРТИЛДИ"

“YANGIYER RED GOLD” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сирдарё вилоят ҳокимлигининг Қурилиш бўйича ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси масъулларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Аниқланишича, МЧЖ ва инжиниринг компанияси 2018 йил 25 июнда 357-сонли пудрат шартномасига асосан ҳуқуқий муносабатга киришган.

Мазкур шартнома шартларига кўра, “Yangiyer red Gold” МЧЖ томонидан Мирзаобод туманидаги 7-сонли умумтаълим мактабида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилган. Таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг объект фойдаланишга топширилиб, бажарилган ишлар учун компания томонидан 95 фоиз, яъни 1 миллиард 277 миллион 750 минг сўм миқдоридан тўлов амалга оширилган.

Шартноманинг 11-бандида 12 ойлик кафолат муддати ўтгандан сўнг қолган 5 фоизлик тўлов амалга оширилиши кўрсатилган. Бироқ, тўланиши лозим бўлган 63 миллион 181 минг 942 сўм миқдоридан қолдиқ сумма тўлаб берилмаган.

Юқоридагиларга кўра, адлия бошқармаси томонидан тадбиркор манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Натижада қурилиш бўйича ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси ҳисобидан “Yangiyer red Gold” МЧЖ фойдасига тўланмай қолган қарз ва пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Жаҳонгир ШАМИРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



ФАРҒОНА



Иш ҳақидан норози Ахматқулова, қизига махсус аравача сўраган Ўқубжонова...

ЖОЙЛАРДАГИ адлия идоралари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, Риштон туманидаги 2-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида кадрлар бўйича менежер бўлиб ишлаётган Н.Ахматқулованинг унга иш ҳақи тўғри тўланмаётганлиги баён қилинган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганилиб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари суд тартибида тиклаб берилди.

Туман марказидан анча олисдаги “Навбахор” қишлоғида яшовчи Н.Ўқубжонова эса ногиронлиги бўлган фарзанди учун махсус болалар аравачаси зарурлигини, бироқ қизчасини ёлғиз ташлаб кета олмаслиги сабабли туман адлия бўлимига телефон орқали мурожаат қилган.

— Қизимда махсус аравача бор, бироқ кўп ишлатилганидан эскириб кетган, — дейди Н.Ўқубжонова. — Бунинг устига ҳозирги аравачамиз катта ёшлиларга мўлжалланганлиги учун бироз қийналаётган эдик. Маҳалла раисининг таклифи билан шунчаки маслаҳат олиш учун туман адлия бўлимига мурожаат қилгандим. Манзилим ва ижтимоий аҳолимни билишгач, бир кун муддатда махсус болалар арава-

часини келтириб беришди. Жуда миннатдорман.

Шунингдек, туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходимларининг қонунчиликда белгиланган йўлқира ҳамда тушлик учун қўшимча тўлов тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ҳам ўрганилди. Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 декабрдаги 963-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 14-бандида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда жамоа шартномасига мувофиқ йўл транспорти учун ҳамда ходимларнинг тушлик овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридан тўлов амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига 35 нафар ходимнинг 760 миллион сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича аризалар киритилиб, қаноатлантирилди.

Элёржон ЭКСАНОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими



САМАРҚАНД

Талабаларнинг стипендияси

"УНУТИЛГАНМИ"ДИ?

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2020 йил 31 январдаги “Таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-бандига асосан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабаларга стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори миқдорда стипендия тўланиши белгиланган.

Аммо олий таълим муассасаларининг айримларида мазкур талаб ижросига панжа орасидан қаралаётгани маълум бўлди.

Хусусан, мазкур Низом талабларига риоя этилиши юзасидан Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 28 апрелдаги буйруғига асосан Оқдарё туман адлия бўлими томонидан Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида ўрганиш ўтказилганда 9 нафар I ва II гуруҳ ногирони бўлган талабаларга 13 миллион 982 минг 760 сўм стипендия тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Жумладан, мазкур олий ўқув юртининг Агрокимё ва агро тупроқшунослик таълим йўналиши 1-курс талабаси У.Турдиев II гуруҳ ногирони бўлса-да, унга 2021 йил сентябрь ойдан 2022 йил март ойигача стипендиянинг базавий миқдоридан 517 минг 880 сўмдан стипендия тўланиб, стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори миқдорда қайта ҳисобланганда 1 миллион 553 минг 640 сўм стипендия тўлаб берилмаган.

Шунингдек, II гуруҳ ногирони бўлган Логистика таълим йўналиши 1-курс талабаси О.Одиловга ҳам худди шу муддатда стипендиянинг базавий миқдоридан 517 минг 880 сўмдан стипендия тўланиб, ушбу оилар учун қайта ҳисобланганда 1 миллион 553 минг 640 сўм тўланмаган.

Афсуски, бундай ҳолатлар университет филиали масъуллари томонидан I-II гуруҳ ногирони бўлган бошқа талабаларда ҳам тақдорланган. Туман адлия бўлими томонидан аниқланган ҳолатлар юзасидан Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали раҳбари номига киритилган тақдимномага асосан кўрилган таъсир чораси натижасида 9 нафар талабага 7 ой мобайнида тўланмай келинган 13 миллион сўмдан ортиқ стипендия тўлаб берилиши таъминланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



Гулбахор ОРТИҚХУЖАЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Лайлаклар “ЛАЙК” ташлашмоқдами?

Ёхуд “ЛАЙКИСТОН” ҳақида памфлет

КЎЗ ўнгимда талаба қиз йиғлаяпти. Овутмоқчи бўламан. У бўлса, ўксиниб йиғлайди яна аламзадалик билан.

— Мен ўтишим керак эди!..

— Шу танлов сенга нима беради ўзи, йиғлашинга арзирмикан?

— Қимматбаҳо совға, диплом...

— Минг долларлик ютуғи бормикан, дебман...

— Гап ютуқдамас-ку, мен ютиб мотивация олмақчи эдим, мотивация!

Гап талаба қизнинг йиғлаганида ҳам, танловда совринли ўрин ололмаганида ҳам эмас, унинг мотивация ололмаганини билиб, унга мотивация беришга уриндим. Лекин қўлимдан келмади. У жиддий ҳафа бўлганди.

Қўлоғимда унинг мотивация деган сўзлари қолиб кетди. Мотивация!

Ҳозирги танловларнинг “лайк” йиғиш ўйини эканини билсам-да, у мотивация ҳақида гапиргани учун индамадим.

Ёнидаги талаба қиз уни овутмоқчи бўлиб гап бошлади:

— Эй, шунгайм йиғлайсизми?

“Лайк”ни тўғирлаб берадиган танишим борида, айтмайсизми?

— Нима? Қандай қилиб?

— Китобхонлик танловида 2-ўринни олдик 16 мингта “лайк” билан. Танишим 12 соатда 16 мингта “лайк” уриб берди.

— Қанчага?

— Битта яхши гапга. Ҳеч қанақа пул олмади у блогер. Лекин танловда ғолиб бўлдик, барибир биринчиликни ололмадик...

— Янаги сафар танловда қатнашсам, айтаман, ёрдам берадиз-а?

— Эртарақ айтмабсиз-да...

“Савдо пишди”.

Бу гапларни эшитиб туриб, тилим лолу ўзим ҳайрон эдим.

Ёшларнинг фикри бузилиб, ҳатто фирром ғолиб бўлишдан ҳам тап тортмаётгани, очиги, ғашимни келтирди.

Бу ўткинчи танловлар ўтар-ку, кетар, янги ренессанс одамлари бўлган бу ёшлар-чи?! Улар Сизу биз ишонган Ўзбекистоннинг келажакими?!

Бу бир ҳаётини суҳбат. Бугунги кунда нафақат ўқувчи ва талаба ёшлар орасидаги танловлар, балки, катталар ўртасидаги танловлар ҳам “лайк” ўзар мусобақасига айланиб, танловлардан тобора одамларнинг кўнгли қолаётгани бор гап!

Сизга қандай туюлади, билмадим, масалан, мен яқинда бир дугонам ана шундай танловлардан бирида қатнашиб, очиги, учтўрт кун “ўзида бўлмай” яшаганига гувоҳ бўлиб, ҳар қандай танлов



унинг билимига, зеҳнига баҳо беролмаслигини, бу безовталиққа сабабчи бўлаётган “лайк” ўзарлар унинг хотиржамлигига арзимаслигини тушунтирмоқчи бўлдим. Бу ҳақда унинг ўзига айтдим ҳам.

Лекин қани энди ўша кунларда унинг ишида унум бўлса... Ўзи ҳам буни тан олиб, анча кайфияти бузилганини, жами танишларига, қариндошларига, синфдош, курсдошларига, ҳамкасбларига, контактларига хабар қилса ҳам, “лайк”лар сони бўйича орқада қолганини айтди.

— “Лайкистон”, — деди аллақандай норозилик ва жаҳл билан у. — “Лайкистон!”... Ҳа, лайлаклар лайк ташлаб кетмоқда, — давом этди киноя билан.

Шу биргина сўз ортида унинг шунча овворагарчилиги-ю, бор алами, камига танишларнинг “табрикласак бўладими?” деганга ўхшаш гаплари ҳам бор эди.

Фирромчига жазо борми?

Юқоридаги ҳар икки мисолда ҳам танловлардаги мезонларнинг нақадар нисбий экани, улар ортида кимнингдир чаққонлиги-ю, фирромлиги, ноҳақлиги яққол сезилиб турибди.

IT соҳаси билимдонлари мени кечирсинлару бу фирромликлар ортидан манфаат топиш, таниш-билишчилик қилишлар қайси коррупция аломатидан, қайси жиноятдан кам?

Бундай ўйлаб қаралса, ким ғолиб ўзи?! Мағлублар асл ғолиб эмасми? Ҳар икки дунёси учун ҳам ҳақиқату адолат томонда турган, фирром ўйин қурбони бўлаётган мағлубларнинг додини ким эшитади? Фирромчи ғолиблар, аслида билими, савияси пастлар ғолиб эмас, мағлублигини қачон тан олади?! Бу каби жиноятларга, ҳа, майли, ҳуқуқбузарликларга ҳам жазо борми? Қонунчилигимизда бундай жиноятлар қандай тавсифланади?! Ҳуқуқшунослар бу каби “замонавий қонунбузарликлар” учун ҳам тегишли жазо

чоралари белгиланиши учун зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик сингари замонга мос қонуний атамалар ишлатилаётганида шу каби қонунбузилишларни ҳам инobatга олишлари зарур, албатта.

“Пешонамизни шўри экан...”

Бу каби саралашларнинг “кулминацион” нуқтасини топдим яқинда. Бундан баттари бўлиши мумкин эмас, ишонаверинг! Карикатурачи рассомларимиз аллақачон бу тўғрида карикатуралар ҳам чизиб, фикрини оммага етказиб бўлди. Лекин, кошки эди бу танқидлар тепароққа етиб борса. Кимдир бу нолаларга қулоқ солса, кошки эди...

— Пешонамизни шўри экан шу йўл, — дейди саксонни қоралаб қолган бир ҳамқишлоғим. — Энди кўчамизни асфальт қилиш тилпонда хабар қилишга қопти. Худоё тавба қилдим, қайси замонларга етиб келдик-а?! Силар гапирадиган замонлар келди бир кун дерди кексаларимиз. Соч-соқолим оқариб, ёшим бир жойга борганда невараларга кўшилиб телепон титишим қолувди энди. Инсофга келгурлар-а, Худо инсофингни бергурлар етти ёшдан етмиш ёшгача овоз тўплаш билан овора. Нима эмиш, агар Эргаш мўйловни кўчаси кўп овоз йиғса, бизни кўчага тошам тўқишмасмиш! Бу нима деган гап?! Тепадагилар сал ўйлаб иш қилса бўларди. Ёш бор, қари бор, хотин-халаж бор, ҳаммаям хоҳлайди йўли асфальт бўлишини, ким хоҳламаслиги мумкин, ахир? Шуюм гапми энди.

Маҳалланинг телеграмдаги гуруҳида қишлоқдаги учта кўча таъмирлашга тавсия қилингани, қайси бири кўп овоз йиғса, шуниси таъмирланиши айтилди. Молия вазирлиги ва БМТТДнинг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган “Open budget.uz” порталига ўтиш ҳаволалари ҳам гуруҳга ташланди. “Ташаббусли бюджет жараёнида иштирок этинг ҳамда бюджет маблағларини сарфланишида ўз таклифларингизни билдириш” деган эълон ҳаммани шошириб қўйди. Энди ҳақиқий томошани кўринг! Ким ўзарга пойга бошланди.

— Навоий кўчаси катта кўча, уни ҳеч қачон “Самарқанд 2-берк кўчаси” билан таққослаб бўлмайди, — дейди маҳалла раисининг хонасига норози бўлиб келган аёл. — Бобур кўчаси ҳам кичкина кўча, аҳолиси ҳам кам. Қандай қилиб хонадонлар сони ҳам, аҳоли сони ҳам кам кўчада кўп овоз йиғилиши мумкин?

Аёлнинг ҳақли саволига маҳалла раиси ўзининг ваколатидан келиб чиқиб жавоб берди. Лекин бу жавобдан аёл қониқмади.

“Лайк”бозликлар бир ёнда-ю, ҳаёт ҳақиқати бошқа томонда! Амалда Алининг кўчаси қолиб Валининг кўчаси таъмирланапти. Ким кўпроқ “лайк” йиғса, шунинг ошиғи олчи бўлиб қолди.

Одамлар кўчаларда қайси танишини кўрса, битта “лайк” босворинг, дейдиган бўлиб қолди. Салом-алик ҳам қисқа бўлиб қолди. Тўйда ҳам, азада ҳам, ишда ҳам, ўқишда ҳам, тадбирда ҳам шу гап. Пичир-пичир сўзлашув, “лайк”босар. Шоша-пиша “лайк” босворинг, кейин гаплашамиз, дейдиган бўлиб қолдик.

“Музқаймоқ пули”

Энг ачинарлиси, талабалар ўртасида ўзига хос “лайк”бозлик авж олмоқда. Қашқадарёлик икки талаба йигит курсдошлари қолиб бошқа курсларда ўқийдиган талаба ёшлардан ҳам “лайк” йиғаётганига шахсан ўзим гувоҳ бўлдим. “Лайк” босилди-ю, йигитлардан бири чаққонлик билан “лайк” босган талаба қизга 2 минг сўм тутқазди. Ишонаверинг, худди шундай бўлди! Қиз эса, қулиб, пулни олмади. Ҳожатбарор қизнинг дугоналарига ҳам пул таклиф қилинди. Ҳеч бўлмаса, “музқаймоқ пули” дейилди. Қизлар ёппасига “лайк” йиғиб беришди. Йигитчаларнинг кайфияти аъло, ишлари хамирдан қил суғургандай тез, айниқса, текинга битганидан ўзида йўқ хурсанд эди улар шу маҳалда.

Иккитагина гумманинг пулига юзта “лайк” йиғиб бераётганларни ҳам эшитаяпмиз. Бу аччиқ ҳақиқатга қачонгача кўз юмамиз, азизлар?!

Танловлардан воз кечолмас эканмиз, баҳоланишнинг бошқа, адолатли мезонларини излайлик. Токи, берилаётган баҳо ҳалол ва ҳаққоний, адолатли бўлсин!



НАВОИЙ

Сиздан

ОРТИҚЧА ТЎЛОВ

ундирилмадимми?



ҚОЙИЛ қолиш керак. Бугун фақат адлия тизимидаги тузилмалардагина, яъни давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ ва нотариал идораларда аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар учун мурожаатчининг мобил қурилмасига “Сиздан ортиқча тўлов ундирилмадимми?” деган СМС хабарни учратиш мумкин. Бу нимани аниқлатади, биринчидан, коррупцион ҳолатларнинг олдини олади, иккинчидан, тизимда ахборот коммуникация технологияларидан мохирона фойдаланиш йўлга қўйилганлигидан далolat беради. Энг муҳими, бу усул шаффоф ва очиқлиги учун адлия тизимида кўрсатилаётган хизматларга нисбатан халқнинг ишончи ортиб бормоқда.

Таққослаш имконияти инсонга доимо аниқ ҳолатни намоен этган. Авваллари давлат хизмати бўладими, нотариуслар ва ФХДЁлардан биргина ҳужжат олиш учун бир дунё вақт ва оврагарчилик, камига “таниш-билишчилик, унга ялин, бунга хушмад қил” каби иллатларга кўмилиб қолганди. Энди эса замон ўзгарди, маълумотлар электронлашмоқда, бутун дунё рақамли иқтисодиётга ўтган.

Юртимизда ҳам бу соҳада мақтанса арзийдиган ижобий ютуқлар бор. Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаатлар сонининг йилдан-йилга ошаётганлиги, коррупцион омиллар қисқараётгани, аҳоли томонидан ноқонуний кўчмас мулкларни ўзлаштириш ёки эгалик қилиш ҳолатларининг олди олинаётганлигини ижтимоий тармоқлар орқали кузатиш мумкин.

Тўлов усулларининг соддалаштирилганлиги, давлат божи миқдори камайтирилганлиги ушбу давлат хизматидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратди. Мисол учун, марказлар ёки ташкилотлар йиғим суммаси кўрсатилган хабарнома (инвойс) келиб тушганидан сўнг реал вақт режимида бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади, яъни мурожаатчининг мобил қурилмасига СМС шаклида хабар жўнатилади. Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган миқдорда йиғим суммасини тўлайди. Дарвоқе, агар мурожаатчи ушбу давлат хизматига бўлган эҳтиёжини давлат хизматлари портали орқали амалга оширсин, тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади холос.

Авваллари фуқароларимиз халқ тили билан айтганда, “бир парча қоғоз” олиш учун соатлаб, кунлаб давлат идораларида навбат кутишига тўғри келган. Бугун эса

зарур бўлган маълумотларни электрон равишда бир неча дақиқада олиш имкониятининг яратилгани одамлар учун аниқ муддао бўлди. Шу кунга қадар давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар 172 та бўлса, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ишга туширилган хизматлар сони 300 дан ошди. Биргина уяли алоқа воситамиз орқали 285 дан зиёд хизматлардан мустақил фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунда вақт ҳам, нақд ҳам тежаланди. Кўчага чиқмай, уйдан туриб олинадиган хизматга овраи-сарсон бўлиб марказларга боришга ҳолат ҳам қолмайди. Аммо кўпчилик фуқароларнинг замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланишни яхши билмаслиги уларни давлат хизматларидан фойдаланиш учун бевосита марказларга келишга мажбур қилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Навоий вилоятида 2022 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра аҳолига 146 минг 497 та давлат хизмати кўрсатилди. Барча хизматлар электрон шаклда кўрсатилган. ФХДЁ соҳасида туғилиш, никоҳ, ажрим ва ўлим ҳаракатларида 15 минг 70 та ҳужжат расмийлаштирилди. Худди марказлардаги имконият аҳоли ва тадбиркорларга сайёр давлат хизматлари кўрсатиш учун вилоятда фаолият юритаётган иккита мобил офисда ҳам мавжуд. Мобил офисда 2022 йилнинг 5 оyi мобайнида 11 минг 146 та хизмат кўрсатилди.

Барча мурожаатлар фақат ахборот коммуникация тармоқлари орқали амалга оширилади. Ҳатто тизимдаги иккинчи ваколатли идоралар содир этаётган қонунбузилиш ҳолатлари ҳам айнан ИТ соҳаси орқали аниқланади.

Рустам ҚАРШИБОЕВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими



ТОШКЕНТ

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ

қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА давлат органлари ва ташкилотларига сифатли ҳамда профессионал юридик хизмат кўрсатишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2021 йил 29 июнда Президентимиз томонидан “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланиши ана шу ислохотларнинг мантикий давомидир.



Номидан ҳам аёнки, мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотларига малакали, тезкор ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ва улар томонидан қабул қилинаётган қарор ҳамда ҳужжатлар лойиҳаларининг пухта тайёрланишида профессионал юристларнинг хизматини йўлга қўйишга қаратилган. Унга кўра, Адлия вазирлиги тизимида янги институт — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари ҳузурда туман (шаҳар) Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, 2021 йилнинг октябрь ойдан тўлақонли равишда ўз фаолиятини бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ло-

зимки, давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш тегишли туман, шаҳар Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан “Е-ҳуқуқшунос” электрон тизимдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Марказлар ходимларига суд процессида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Дастлаб туман (шаҳар) Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ҳудудлардаги тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, мактабгача таълим, маданият, молия бўлимлари ва ободонлаштириш бошқармаси каби 12 та давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсата бошлади. Мазкур корхона ва ташкилотларда Юридик хизмат

кўрсатиш марказларининг малакали ходимлари томонидан “Юникон-СОФТ” МЧЖ мутахассислари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилди. Қолаверса, “Е-ҳуқуқшунос” тизимида уланиш, унинг имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича тарғибот ўтказилди. Натижада масофавий ҳужжатларнинг лойиҳаларини юридик марказларга узатиш ва белгиланган тартибда ҳуқуқий хулосалар олиш, ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ва малакали тайёрлаш, ўз вақтида тақдим этиш, иш сифатини яхшилашга эришилди. Янги тизим ўзининг афзалликларини кўрсата бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 мартда қабул қи-

линган “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ эса туман (шаҳар)ларда фаолият кўрсатаётган Юридик хизмат кўрсатиш марказлари барча ваколат, вазифа ва яратилган шароитлари билан туман адлия бўлимлари таркиби ва бўйсунувига ўтказилди. Шунингдек, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб, Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан

яна бир қатор давлат идоралари — Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, қишлоқ хўжалик бўлими, туризм ва маданий мерос бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази каби ташкилот ва муассасаларга юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш белгиланди. Аниқ пайтгача ушбу ташкилот ва муассасаларда сифатли ва малакали иш ташкил қилиниши ва уларни “Е-ҳуқуқшунос” электрон тизимида уланишлари ҳамда тизим билан ишлайдиган мутахассисларини танлаб олиш ва малакасини ошириш бўйича режали ишлар олиб борилди. Юридик хизмат кўрсатиш марказига юбориладиган ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва юридик хулоса олиш учун тизимга лойиҳаларни жойлаштириш тартиблари тушунтирилди.

Бугунги кунда тизимга янги уланиши кутиладиган давлат органлари ва ташкилотлари билан уларга юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича тайёргарлик ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилган бўлиб, белгиланган муддатда юридик хизматлар кўрсатишнинг барча техник имкониятлари яратилган.

Шавкат ТОЖИБОЕВ,
Тошкент туман
адлия бўлими
юридик хизмат кўрсатиш
маркази бошлиғи

“Telegram”даги “ТАКЛИФ”лар ёхуд “УЙ ТОЗАЛОВЧИ ХИЗМАТЧИ”нинг

НИҚОБИ ЕЧИЛДИ

■ **ХАЁТИЙ ақида бор:** “Муд-хш ниятлар бузук хулқдан келиб чиқади”. Суд мажлисида айбига иқроор бўлган 25 ёшли Асила Хаджаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) ахлоқсизлиги билан дастлаб сигарет, тунги клублар, турли наркотик дориларга ҳам ўрганиб қолгани, таъбир жоиз бўлса, жиноят кўчасига киргунга қадар, “қўнғил-хушлик бекатлари”дан нари кетмаганлиги аён бўлди.



Қиз боланинг иффати унинг бахти эканлигини унутган Асила кейинги пайтларда “иши” бароридан келмагач, “уй тозаловчи” ниқобида “телеграм” тармоғидаги эълонлардан ўзига мижоз ахтариб, якка яшовчи эркакларни излай бошлайди. Жабрланувчи 51 ёшли Акмал Нуманов ҳам 2 нафар фарзандини аёлида қолдириб, оиласи билан 35 ёшида ажрашган. Ўшандан бери оила ва фарзанд қадрини билмаган бу кимсанинг ҳаёт тарзи ҳам судланувчиникидан қолишмайди. Оиласи билан ажрашгач, Акмал ҳовлисида гўёки ижарага одам қўйиб кун кечирар, “телеграм” тармоғида эълон бериб “ижарага уй” таклиф этиш баробарида “уй тозаловчи хизмат”ларидан ҳам фойдаланар эди.

Навбатдаги эълон асосида Асила билан танишган А.Нуманов ўзаро телефон рақамларни алмашиб, учрашув жойини доимгидек ўзининг ҳовлисида белгилайди. Шу кунни ўзидаёқ етиб келган Асилани кўргач уни ёқтириб қолган Акмал ўртасидаги илиқ ёзишмалар “ўта яқин” муносабатларга айланиши учун 350 минг сўмдан ҳақ белгилайди. Акмалнинг берадиган 350 минг сўм пулига қониқмаётган Асила унинг ёлғиз яшашидан фойдаланиб, “уй тозаловчи хизматчи” сифатида уйдаги алоҳида хонага жойлашиб, Акмалнинг шарт-шароити, бор-йўғини тўла ўрганади.

Асила бир томондан, текин бойлик, бошқа тарафдан эса, аянчли ва ачинарли қисматга етакловчи қалтис йўлга ана шу тариқа қадам босиб, Акмалдан дастлаб машинани бошқариш учун ишончнома сўрайди, бунга кўнмагач эса ундан 1000 АҚШ доллари бериб туришини илтимос қилади. Иккинчи таклифига ҳам Акмални кўндирди олмагач, кўнглидаги ёвуз ниятни амалга оширишга қарор қилади. Бир инсонни ўлдириб, машинасини ҳайдаб чиқиб кетиш унинг учун гўёки ҳамирдан қил суғургандай битиши лозим бўлган режаси эди. Нафақат инсоний туйғулар, балки қонунга мутлақ зид бўлган ҳар қандай қабихликнинг миси чиқмай қолмаганидек, бу иш ҳам у ўйлаганидек осон бўлмади.

Ўша мудҳиш ҳодиса юз берган куни у ана шу режасини кинолардагидек амалга оширишга аҳд қилганди. Аммо... ҳаёт бу кино эмас! Тушлиқдан сўнг уни яна ётоқда кутаётган Акмалнинг олдига киришдан аввал бурнига “Тропикамид” дозисидан томизи олган аёл даставвал кўнглини хушлайди. Аммо ёвуз мақсади ҳам хаёлида чарх уриб туради. У ўз аёллик макрени ишга солиб, ётоққа яшириб олиб кирган ёстиқ остидаги пичоқни олиб ўз-ўзи билан овора эркакка санчади. Қутилмаган санчикдан сакраб туриб кетган Акмал нима бўлганини англаб етмагани ҳолда олдида пичоқ тутиб турган аёлни юз-кўзи аралаш мушт туширишга ўзида куч топди. Шундан сўнг у ерга узала тушган аёл қўлидаги пичоқни олганча қочиб, кўча томон чопайди. Саросимага тушган Асила ўзини ўнглаб ўрнидан тураркан, кўзи уй бурчида ётган темир бўлағига тушади ва уни олганча эркакнинг изидан югуради. Дарвоза занжирини ечиб улгурмаган Акмалга етганда яна бир мушт зарбидан нари бориб тушади. Бу орада саросимага тушиб қолган эркак кўчага қочиб улгуради ва қўшнилардан ёрдам сўрайди.

Худди шу пайтда бақир-чақирдан югуриб чиққан қўшнилардан бири Акмалнинг шармандали ҳолатини кўриб таажжубланиб турган пайтда рўпарасидаги ярим яланғоч аёлнинг Акмалга қараб отланганини кўриб, уни қўлига ёпишади ва темир бўлагини олиб йўл четига улоқтиради.

Асила айни дамда режаси барбод бўлганини ҳис этиб турса-да, яна ортига чопиб ҳовлига қиради ва Акмалга тегишли “Нексия” русумли автомашинанинг қалитини уйдан олиб чиқиб ўт олдиради. Уни машина билан қочиб кетмоқчи бўлаётганини билган қўшнилардан бири дарвозани занжирлайди. Асила катта тезлик билан машинани ёпиқ дарвоза томон ҳайдаб, уни бузиб чиқиб кетади. Аммо ИИБ ҳамда Миллий гвардия ходимлари томонидан қўлга олинади.

Шифокорларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли А.Нумановнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо у орадан 4 ой ўтиб, кучли юрак етишмовчилиги хасталигидан вафот этди. Оиласи, фарзандларидан воз кечиб, фарзанди тенги қизларга ёмон назар солган, турли ахлоқсиз шахсларга ижара ниқобида жой бериб, уйини ишратхонага айлантирган бир шахснинг ҳаёти мана шу зайлда яқун топди.

Жиноятга жазо муқаррар. А.Хаджаева Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди, унга озодликдан махрум этиш жазоси тайинланди.

Ақром АРИПОВ,
Олий суд бош консультанти

МЧЖ асосиз ҳисобланган божхона тўловидан “ҚУТИЛДИ”



■ **Навоий вилоят божхона бошқармасининг “Еко гранит” масъулияти чекланган жамиятидан 307 миллион 740 минг сўм божхона тўловини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси Кармана туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилди.**

Иш ҳужжатларидан ҳамда суд муҳокамасида аниқланишича, Хитой давлатининг “China national heavy duty truck group Co LTD” корхонаси билан “Еко гранит” МЧЖ ўртасида 2020 йил 22 майда тузилган шартномага асосан қиймати 90 минг 600 АҚШ долларига тенг бўлган 2 дона Howo маркали “самосвал” юк автотранспорт воситаси олиб келиниб, МЧЖга божхона тўловлари бўйича имтиёз қўлланилган ҳолда “эркин муомалага чиқариш” режимига 2020 йил 2 сентябрда божхона юк декларацияси расмийлаштирилган.

Тузилган шартнома, божхона юк декларацияси ва транспорт воситасининг техник ҳужжатларига кўра, ушбу 2 дона “самосвал” юк автотранспорт воситаси ҳар бирининг юк кўтариш қобилияти 40 минг килограмм, созланган массаси 17 минг 920 килограмм, тўла вазни эса 57 минг 920 килограммни ташкил этиши белгиланган.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи “China national heavy duty truck group co LTD” корхонасининг 2020 йил 11 ноябрдаги хатида ҳам худди шу нарса кўрсатилган. Шу сабабли ушбу транспорт воситалари учун имтиёз қўлланилган ҳолда утилизация йиғимисиз “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли қарори билан 2020 йил 1 августдан бошлаб, утилизация йиғими ставкалари ва утилизация йиғими тўланадиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюлар машиналар ва уларнинг тиркамалари турлари ва тоифаларининг рўйхати тасдиқланган.

Ушбу рўйхатнинг 4-бандига кўра, тўла вазни 50 тоннагача бўлган N1, N2, N3 тоифали транспорт воситалари, шу жумладан, юқори ўтувчан g тоифали транспорт воситалари: юк автомобиллари учун утилизация йиғими ставкаси белгиланган бўлиб, мазкур рўйхатда N1, N2, N3 тоифали, 50 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари учун утилизация йиғими тўланиши назарда тутилмаган.

Божхона кодексининг 201-моддасига кўра, божхона органлари товарлар чиқариб юборилганидан кейин, башарти, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлса, божхона назоратини амалга оширишга ҳақли. Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати ҳамда божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш товарларнинг божхона назорати остида бўлиши тугаган пайтдан эътиборан бир йил ичида амалга оширилиши мумкин.

Шунга кўра, даъвогарнинг 2020 йил 12 октябрдаги қарори билан жавобгар томонидан олиб келинган 2 дона “самосвал” юк автотранспорт воситаси-

нинг тўла вазнини аниқлаш учун Х.Сулаймонова номидagi Республика суд экспертиза марказининг Навоий вилояти бўлимига экспертиза тайинланган ва экспертиза хулосасига кўра мазкур юк автотранспорт воситалари ҳар бирининг тўла вазни 48 минг 800 килограммни ташкил этиши баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли қарори билан тасдиқланган ставкаларга асосан N1, N2, N3 тоифали транспорт воситаларига 20 тоннадан 50 тоннагача бўлган юк автомобилларига ишлаб чиқариш муддатидан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 690 баробари миқдоридан утилизация йиғими тўланиши белгиланган.

Шунга кўра, даъвогар томонидан жавобгарга 2 дона “самосвал” юк автотранспорт воситасининг ҳар бирига 153 миллион 870 минг сўмдан, жами 307 миллион 740 минг сўм утилизация йиғими қўшимча ҳисобланган.

Аммо даъвогар томонидан жавобгарга қўшимча утилизация йиғими ҳисоблашда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Хусусан, ишлаб чиқарувчи завод “China national heavy duty truck group co LTD” корхонасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 0211-119-сонли хатида ишлаб чиқарилган “самосвал” модель ZZ3317N3867W автотранспорт воситасининг ҳар бирининг юк кўтариш қобилияти 40 минг килограмм, созланган массаси 17 минг 800 килограмм, тўла вазни 57 минг 920 килограммни ташкил этиши кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқилганда, автотранспорт воситасининг юк кўтариш қобилияти 40 минг килограмм эканлиги ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланганлиги ҳамда техник ҳужжатларга кўра транспорт воситасининг созланган массаси 17 минг 800 килограммни ташкил этганлиги боис, уларни қўшиб ҳисоблаганда, транспорт воситасининг тўла вазни 57 минг 800 килограммни ташкил этган ҳисобланади.

Бундан ташқари, Божхона кодексининг 3-моддасига кўра, божхона ишида божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олган куни амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Суд “Еко гранит” масъулияти чекланган жамияти имтиёздан тўғри фойдаланган ҳолда божхона юк декларациялари расмийлаштирилган деб топди. Тадбиркорлик субъектига асосиз ҳисобланган 307 миллион 740 минг сўм божхона тўловлари ундирилмайдиган бўлди.

Бекзод ЖУМАЕВ,
Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси

“Интеллектуал мулк масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармас эканмиз, Ўзбекистон бундан ўн йилдан кейин ҳам рақобатдош бўлмайди”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Интеллектуал мулк ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛанади



2022 йил 26 апрелда “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

Интеллектуал мулк дунё давлатлари иқтисодий ривожлантиришда энг катта ҳисса қўшиб келаётган локоматив бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун интеллектуал мулкка юқори даромадли соҳалардан бири сифатида қаралади. Таҳлил натижаларига кўра, дунёда интеллектуал мулк қиймати 65 триллион АҚШ доллардан иборат бўлиб, ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотининг катта миқдорини ташкил қилади.

Мисол учун Европа иттифоқиға кирувчи давлатларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан интеллектуал мулкнинг улуши 45 фоиз. Америка Қўшма Штатларида 39 фоиз, Хитойда 12 фоиз, Туркия ва Россия давлатларида 7 фоиздан иборат бўлиб, айнан интеллектуал мулкдан келган даромадлар ташкил қилади.

Президентимизнинг ушбу қарори бугунги кунда иқтисодий тизимни ривожлантиришда ва рақобатбардошлигини таъминлашда интеллектуал мулк соҳасини қамраб олган муҳим

ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, ушбу қарор билан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари кучайтирилади.

Жумладан, божхона чегараси орқали интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди. Бундан ташқари, божхона органлари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларнинг ташаббускорлиги оширилмоқда.

Шу кунга қадар интеллектуал мулк объекти ўзининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бевосита божхона органларига ариза билан мурожаат қилган бўлса, энди янги тартибга кўра, божхона органлари товарларни расмийлаштириш жараёнида интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқлар бузилганлиги аломатлари аниқланганда, бу ҳақда ҳуқуқ эгаларини бир иш куни давомида хабардор қилади. Бир иш куни давомида ҳуқуқ эгаларидан ариза келиб тушган тақдирда, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўради. Ушбу муддат ичида ҳуқуқ эгала-

ридан ариза келиб тушмаган тақдирда, товарлар белгиланган тартибда чиқариб юборилади.

Маълумот учун республикада 2021 йил ва 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 3 мингдан ортиқ контрафакт маҳсулотлар аниқланган. Шундан 1 минг 443 таси озиқ-овқат, 754 таси шахсий гигиена воситалари, 356 таси алкоголь контрафакт маҳсулотларидир.

Ушбу қарор билан эса контрафакт маҳсулотларга қарши курашишда ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Мисол учун 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган ва тарқатилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва тарқатувчиларга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда идоралараро ахборот алмашинуви Адлия вазирлигининг “ИП Протестион” ахборот портали орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, интеллектуал мулк эгаларига 2023 йил 1 январга қадар интеллектуал мулк объектларининг олди-сотдига қулай шарт-шароитлар яратиш учун “Интеллектуал мулк – барча учун” махсус интернет аукцион савдо платформасини яратиш ва ишга тушириш белгиланди. Бу билан ушбу савдо платформасидан фойдаланиб бевосита ҳуқуқ эгалари ўзларининг объектларини жойлаштириб, уларнинг бошланғич нархини кўрсатган ҳолда бошқа шахсларга сотиши ёки лицензия шартномаси асосида фойдаланишга бериш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, 2022 йил 1 октябрга қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан интернетда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар

соҳасидаги қонунбузилишлар реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиб, ишга тушириши белгиланди. Бунда веб-сайтлар томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тизимли равишда бузилиши белгиланган тартибда исботланган тақдирда, Адлия вазирлигининг хулосаси асосида қонунбузилишлар реестрига киритади ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузувчи хатти-ҳаракатлар бартараф этилмагунга қадар қонунчиликка мувофиқ чеклайди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатларда ҳам Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси қабул қилинган. Мисол учун, Америка Қўшма Штатларида 2018 йилда, Жанубий Кореяда 2019 йилда, Японияда 2020 йилда, Сингапурда, Беларусда ва Хитойда 2021 йилда қабул қилинган.

Шу билан бирга, Президентимизнинг юқоридаги қарори билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди. Ушбу стратегиянинг 7 та устувор йўналиши бўйича 38 та тадбирни ўз ичига олган 2022-2023 йилларга мўлжалланган йўл харитаси, 2022-2026 йилларда “Ўзбекистон Республикасида Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари” белгилаб олинди.

Ушбу стратегиянинг бош мақсади мамлакатда интеллектуал мулкни жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантирувчи асосий драйверга айлантириш орқали Ўзбекистонни илмий-техникавий ва ихтирочилик жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига киритишдан иборатдир.

Шерзод АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаменти бўлим бошлиғи



Ўзбекистонда ихтирочилик ва ижодкорлик фаолияти

БУГУНГИ кунда интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимояси билан боғлиқ масалалардан кўра, уни турли усуллар — “стартап лойиҳа”, “бизнес-инкубатор”, венчур фонд ва бошқа йўналишлар орқали тижоратлаштириш долзарб саналади. Бу жиҳат, айниқса, иқтисодий ўтиш даврида турган мамлакатлар учун муҳим саналиб, инновацияларни тижоратлаштириш ва уларнинг яратувчиларини рағбатлантиришда моддий нуқтаи назардан кўп муаммоларга дуч келинади.

Бу жараёнда давлат асосий эътиборни тадқиқотчиларни рағбатлантириш ҳамда уларга етарли шароитларни яратишга қаратиши лозим. Ўзбекистонда кейинги йилларда кишлоқ хўжалиги ҳамда замонавий ахборот технологияларини яратиш билан боғлиқ жиҳатларга берилган эътибор сабаб, статистик маълумотларга кўра, айнан селекция ютуқлари ва дастурий маҳсулотларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун топширилган талабномалар сони ошган. Хусусан, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларга 2015 йилда 521 та ариза келиб тушган бўлса, 2020 йилдаги кўрсаткич 2564 тани, ўсимликларнинг янги нави бўйича эса, 2015 йилда 24 тани, 2020 йилда 123 тани ташкил этган.

Илмий ва амалий тадқиқотлар орқали янги билимларни олиш олий таълим ва академик тадқиқот муассасаларининг асосий “миссия”си ҳисоблана-

ди. Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда олим ва мутахассисларни рағбатлантириш масаласи Конституциямиздан ҳам ўрин олган. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 42-моддасига кўра, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Мамлакатимиз Конституциясида мустақамланган мазкур модда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 27-моддаси билан ўзаро ҳамоҳангдир.

Юртимизда интеллектуал мулк соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнига айнан интеллектуал мулк яратувчиларини ҳам жалб қилиш жуда долзарб вазирадир. Чунки, айнан олимлар, ижодкорлар ва бизнес вакиллари амалиётдаги, хусусан, интеллектуал мулк объектларини

тижоратлаштириш билан боғлиқ муаммоларни билади, ўз “бошидан ўтказишади”.

Ушбу соҳадаги ислохотлар, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тижоратлаштириш, тадбиркорларнинг ўзининг “бренд”ига эгаллик қилишини кенг тарғиб этиш билан боғлиқ масалалар интеллектуал мулк йўналишидаги таълим ва тарғибга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда Тошкент давлат юридик университети интеллектуал мулк соҳасида дастлабки кадрларни тайёрлаш ва мазкур йўналишдаги фанларни олий юридик таълим тизимига киритиш бўйича муҳим ишларни амалга оширди. 2018 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бевосита ҳамкорлигида университетда “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” кафедраси, 2019/2020 ўқув йилидан эса, махсус магистратура мута-

хассислиги йўлга қўйилди.

Интеллектуал мулк йўналиши мамлакатимиз учун энди ривожланиб келаётган юриспруденциянинг муҳим ва тор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг бу йўналишдаги амалий билимларини янада мустақамлаш мақсадида дарс машғулотларига патент вакиллари, соҳадаги ваколатли органларнинг малакали мутахассис ва экспертларини жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Турли бизнес субъектлари, давлат корхоналари ва иқтисодий тармоқларини ҳам интеллектуал мулк билан боғлиқ жараёнларга кенг жалб этиш лозим. Афсуски, бугунги кунда мамлакатимиз интеллектуал мулкни “импорт қилувчи мамлакат” ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунда

муаллифларга ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади. Қонунчиликка мувофиқ, бошқа имтиёзлар берилиши ҳамда Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққийотиға улкан ҳисса қўшган ихтиролар муаллифларига диссертация ҳимоясиз фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари берилиши белгиланган. Демак, бир қатор ёндош соҳаларни ҳам ривожлантириш зарурат ҳисобланади. Жумладан, интеллектуал мулк сўғуртаси, интеллектуал мулкдан банкларда гаров сифатида фойдаланиш, тижорат ва нотижорат ташкилотлари балансида уларнинг моддий қийматини акс эттириш, баҳолаш индексларини жорий этиш каби муҳим масалалар ҳам мавжуд. Бу жиҳатларни амалиётга жорий қилишни тегишли мутахассисларни ўқитиш билан бошлаш лозим. Бу борада нафақат миллий тизимдан фойдаланиш, балки Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ўқув платформаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Абдумўмин ЮЛДАШОВ,
ТДЮУ Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доценти в.б.,
ю.ф.ф.д.

Инсон
ва ҚОНУН


МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7877



9772010787006

Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Мураф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулбаҳор Ортиқхўжаева

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жамшид Фофуров

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3600
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН КАРВОН

ШУ йилнинг 5 майдан 6 июнига қадар илм-фан, маданият, санъат, адабиёт вакилларидан иборат маънавият ҳамда маданият қарвони Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият сари” шиори остида аҳоли билан кенг қамровли тадбирларни амалга оширди. Бу ҳам бўлса Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатнинг ёрқин намунаси.

Дастлабки тадбирлар 5-9 май кунлари Қашқадарёдан бошланди. Жумладан, Қарши шаҳрида, Яқкабоғ туманидаги “Саховат уйи”да, Нишон туманида, “Қарши санатория”сида кўнгилочар тадбирлар, ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Қолаверса, киноижодкорлар, ёзувчилар, зиёлилар ва эстрада юлдузлари билан ёшлар ўртасида киновикториналар ва кино санъатига оид давра суҳбатлари ўтказилиб, энг фаол иштирокчиларга китоблар ва бошқа эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси асосида 1 минг 200 дан ортиқ мактабнинг 8-11-синф ўқувчилари ўртасида “Менинг киноқаҳрамоним” мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Киноижодкорлар томонидан турли муассасаларда “Илҳақ”, “Уткан кунлар”, “Матонат мактаби”, “Мен террорчи эмасман” ва “Абдулла Орипов” фильмлари намойиш этилгани эса ёшларнинг ҳам ижодий, ҳам ҳаётий фикрлашига ижобий хизмат қилгани шубҳасиз. Айниқса, Қарши туманидаги учрашувлар халқимизнинг маънавию юксалиши, миллий қадриятларимиз барҳаётлигининг, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз.

Бу эзгуликнинг мантиқий давоми бўлган Фарғонадаги учрашувларда ҳам юртдошларимизга Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон қадрини улуғлашга, инсон манфаатини ҳар нарсадан устунлигини таъминлашга қаратилгани ҳаётий мисоллар орқали етказилди. Шу билан бирга, гўдақлару қариялар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг дарду ташвишлари тингланди, маънавий-ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Сир эмаски, инсон болалик чоғидан китобга ошно бўлса, унга меҳр қўйса, бу беминнат дўст унинг ҳаёт йўлини ҳамisha мунаввар этиб туради. Шу маънода айтганда, ўтказилган китобхонлик танловлари ва тадбирлари, ғолибларига тўхфа этилган китоблар жамланмаси фарғоналик ёшлар учун унутилмас бўлди.

Бундан ташқари, маънавият тадбирлари асосида халқимизнинг сеvimли, фидойи фарзандлари ҳам ёд этилиб, уларнинг хотирасига хурмат кўрсатилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов бошчилигидаги бир гуруҳ тарғиботчилар Олтиариқ туманининг сеvimли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг уй-музейида бўлиб, оила аъзолари билан дилдан суҳбатлашишди, шоирни ёд этишди. Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурхониддин Марғиноний каби алломалар зиёратгоҳларида бўлиб ўтган маърифий суҳбатлар эса ўтмиш билан бугунни боғлагандек гўё.

Фарғоналиклар азалдан маданият ва санъатни қадрлаган халқ. Маънавият қарвони иштирокчилари эса бунга яраша жавоб қайтаришди, албатта. Хусусан, Фарғона туманидаги 76 та маҳалла аҳли билан бўлган учрашувлар, ижодқору санъаткорларнинг қайси бир хонадонда бетоб, ногирон ёки эътиборга ташна қалб бўлса, эшитишлари билан “хабар олайлик, борамиз” деган сўзлари ҳар қандай сўқир кўзни ёшлантиради. Айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилалар ҳолидан хабар олингани ўша хонадон соҳиблари учун бамисоли тўй бўлди. Жумладан, Фарғона туманидаги хонадонларнинг бирини истиқомат қилувчи ногирон онахон учун хушовоз хонанда Тошпўлат Матқаримов ижросида “Оқ тулпорим” кўшигининг янграши, Миродил Ҳақимовнинг хиргойиси, ёш эстрада хонандаси Рухшоннинг мафтункор овози барчага манзур бўлди.

Эътироф этиш керак, Шоҳимардонда — Фарғонанинг энг чекка, қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида бўлиб ўтган тадбирларни икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг, сўнгги йилларда тобора мустақамланиб бораётган алоқаларнинг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

Маънавият қарвони иштирокчилари 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Фарғона туман прокуратураси томонидан ўтказилган 10 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг суннат тўйларига ҳам гувоҳ бўлишди.

Бундан ташқари, фарғоналикларнинг оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчилик бобида нималарга қодирлигини, улар тўқиган адрас, атлас, харир матоларни хорижликлар, айниқса, Испания давлати вакиллари унинг ўзи олиб кетаётганини кўриб завқландик.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Зеро, ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади. Бу борада оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит беқиёс аҳамият касб этади.

Шу боис бўлиб ўтган тадбирларда асосий эътибор ёшларимизда халқпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини мустақамлашга қаратилди. Аёлларга — хотин-қизларимизга эса ўз имкониятларини юзага чиқаришлари, жамият тараққиётидаги фаолликларини оширишлари учун яратилган ҳуқуқий асослар хусусида ҳам тушунчалар берилди. Негаки, учинчи Ренессанс айнан уларнинг фидойилигида, фарзандларини нечоғлик баркамол инсонлар этиб тарбиялашида ўз ифодасини топади.

Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон — инсон қадрини улуғлаган юрт” шиори остида йўлга чиққан маънавият қарвони минглаб хонадонларга, миллионлаб кўнгилларга зиё улашишда давом этмоқда. Шу орқали Давлатимиз раҳбарининг “Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади” деган пурмаъно фикрлари ҳамюртларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустақамламоқда, уларни янгидан-янги эзгуликлар сари ундамоқда.

Фируза МУҲИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори,
юридик фанлар доктори

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Мамлакатимизда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик принципи таъминланмоқда. Қолаверса, айти масаланинг мустақам ҳуқуқий асоси ҳам яратилган.

Аёлини эъзозлаган жамиятда



Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига қаратилган ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гендер тушунчаси хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати сифатида кўрсатилган. Бинобарин, бу тушунча фақат аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаламасдан, ҳар икки жинс вакиллари учун бир хил имконият яратишни назарда тутди. Республикаимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани ҳам ана шундан.

Маълумки, айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири бу — эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидир. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган ҳолда гендер тенглигини таъминлаш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда кўрилган амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлаш соҳасидаги муҳим қадами ҳисобланади.

Гендер тенглигини таъминлашнинг институционал асослари ва ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотларга тўхталадиган бўлсак, парламент нуқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг ташкил этилиши аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий этишга хизмат қилди.

Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг ташкил этилиши эса ушбу соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давомидир. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу соҳадаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга ошириш кабилар комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Албатта, мазкур йўналишдаги ислохотлар мамлакатимиз халқаро рейтингдаги ўрнига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади. Зеро, аёлини эъзозлаган жамиятда тараққиёт ҳам шунга яраша бўлади.

Матлуба ФАТХУТДИНОВА,
Тошкент вилояти юридик
техникуми ўқитувчиси